

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Қизилтепа шаҳри

117/5-сон

2022 йил "14" 12

« Навоий Кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси» номидан низом асосида ҳаракат қилувчи бошлиғи А.Рахматов кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади бир томондан Қизилтепа туман “Ободонлаштириш” бошқармаси номидан низом асосида ҳаракат қилувчи бошлиғи Б.С.Жумаев кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ Ижрочи Буюртмачининг топшириғи билан тасдиқланган манзилли дастурга асосан Қизилтепа туман Бободуғи МФЙ ҳудудидаги “Бободуғи” қишлоқ ички автомобил йўлини жорий таъмирлаш ишларни бажариш бўйича хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### 2. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилган ишлар учун Буюртмачи шартномавий баҳо тўғрисидаги 2022 йил 8 декабрдаги баённомага мувофиқ 571 732 000 (Беш юз етмиш бир миллион етти юз уттиз икки минг) сўм, шу жумладан, олдиндан тўлов тартибида мазкур сумманинг 30 фоизини 171 519 600 ( Бир етмиш бир миллион беш юз ун туккиз минг ) сўм миқдорида тўлайди.

2.2. Тўлов пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

2.3. Ижрочининг ўзи айбдор бўлмагани ҳолда ишларни бажара олмаган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда Ижрочининг ишларни бажаришдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади.

2.4. Буюртмачининг айби билан ишларни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, ишлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

### 3. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ижрочи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни шахсан ўзи бажариши шарт.

3.2. Ишлар бажарилгандан сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади ва унга ҳисобот ҳужжатларини илова қилади.

3.3. Хизмат натижаларидан қониқмаган Буюртмачи далолатномани олган пайдан бошлаб 3 кун ичида Ижрочига ишларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

3.4. Ишларни бажариш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда Ижрочини хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

4.1. Ижрочи ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, у келтирган зарарни Буюртмачига тўлиғича тўлаши шарт, лекин бу тўлов ушбу шартномада назарда тутилган ишлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.2. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

4.3. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Буюртмачи жойлашган ҳудуддаги Иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **5. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

5.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

5.3. Буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини тўлиқ тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

5.4. Ижрочи ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

5.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 3 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт. 5 иш куни ичида билдиришномага тегишли жавоб олинмаган ёки иккинчи тараф норози бўлган тақдирда низо иқтисодий суд орқали ҳал этилади.

#### **6. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

6.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар

қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкый имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини тақлиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

## 7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

7.1 Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб килинганда –томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

7.2. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

7.3 Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 90 кунни ташкил этади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

8.1. Шартнома Қизилтепа тумн ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

8.2. Шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

8.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

### ИЖРОЧИ:

«Навоий КФУК»

Юридик манзил: Қизилтепа туман

Малиқобод МФЙ

Ҳисоб-китоб рақами:

20210000800428115001.

Банк: "Ипак йўли банк к" Навоий филиали банк коди: МФО: 00196.

СТИР: 203229093.

телефон 79 555 34 18

Қ.тепа туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси

х/р: 23402000300100001010.

ИНН: 201122919 МФО: 00014

Марказий банк Тошкент ш.

### БУЮРТМАЧИ:

Қизилтепа туман "Ободонлаштириш" бошқармаси

Юридик манзил: Қизилтепа шаҳри

Ҳисоб-китоб рақами:

100022860122167045204110002"Миллий"

банкнинг Қизилтепа бўлимида, банк коди: МФО: 00945

СТИР: 204584484,

телефон 79 555 36-78

Қ.тепа туман бўйича Ғазначилик

бўлинмаси

х/р: 23402000300100001010.

ИНН: 201122919 МФО: 00014

Марказий банк Тошкент ш.

Директор

А.Рахматов.

Бошлик

Б.С.Жумаев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

RS2328573082

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Qiziltepa tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 13.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qiziltepa tuman  
yuridik markazi  
bosh yuriskonsulti:**



**M.SH.RO‘ZIYEV**

14.12.2022



14.12.2022 даги

"NAVOIY KO'PRIKLARDAN FOYDALANISH" unitar korxonasi va Kiziltepa Obodonlashtiriш  
бошқармаси ўртасида 571732000,00 сўм умумий суммага тузилган 117/5 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда Жами
	4233100			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				571 732 000,00
Декабрь	571 732 000,00			571 732 000,00
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>571 732 000,00</b>			

Жами 571732000,00 сўм

Беш юз етмиш бир миллион етти юз ўттиз икки минг сўм 00  
тийин  
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 171519600,00 сўм ёки 30,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойда тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойнага \_\_\_\_\_ % жорий ойнанинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.Ў.



Буюртмачи бош бухгалтери

Жумаев Ботир Саидович  
Ф.И.Ш.

(имзо)

Бозоров Хусниддин Ҳақимович  
Ф.И.Ш.

(имзо)

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.